

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-51409-4.01

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**МАХСУС ФАНЛАРНИ
ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 140000 - "Ўқитувчилар
тайёрлаш ва педагогика" таълим соҳасидаги
5140900 - "Касб таълими" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Хасанов Б. А.,
доц. Примов М. Н.

Такризчилар: доц. Маматов З. Т.,
проф. Маматов Н.

"Махсус фанларни ўқитиш усуликаси" фани бўйича ушбу ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий таълим Давлат таълим стандартлари талаблари асосида тузилган.

Дастурда "Махсус фанларни ўқитиш усуликаси" фанининг мақсади, вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси, Давлат таълим стандартларига мувофиқ билим ва кўникмалар, амалий ва семинар дарслари бўйича ишларнинг минимал миқдори, компьютер ва информацион технологияларни қўллаш, фан дастури, амалий ва семинар машғулотлари, тавсия этилаётган мавзулар бўйича кўргазма-намойиш материаллари, ўқув фильмлари ва бошқа дидактик материаллар рўйхати, талабаларнинг рейтинг асосида баҳолаш бўйича ўзлаштиришнинг назорати ҳамда адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

Данная программа по предмету "Усулика обучения специальных дисциплин" составлено согласно требований Государственных стандартов образования Республики Узбекистан и содержит следующие сведения: цели и задачи курса, связь с другими дисциплинами, требования к знаниям и навыкам соответствующие требованиям Государственных стандартов образования Республики Узбекистан, новые информационные технологии, объем лекционных и практических занятий, примерные темы лекционных и практических занятий, наглядно-демонстрационные материалы по рекомендуемым темам, список учебных фильмов и других интерактивных, дидактических материалов, контроль успеваемости студентов по рейтинговой системе и список рекомендуемой литературы.

The created program of the "Method of teaching special curses" subject - completely answers all put requirements. They contain the following items:

The purpose and task of a subject, communication with other subjects, knowledge and skills appropriate to the Standards of State Education, minimum quantity of seminars and practical employment, application of computers and technological information, program of the subject, seminar lessons, the list of themes of "course works", evident - indicative materials on recommended themes, the list of educational films and other materials, control of progress of the students on a rating system and list of the literature for usage.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисидаги" Фармонида (06. 10. 97.), "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш - давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги кўрсатилган. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли қарорига мувофиқ Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Мазкур стандартлар бўйича ҳар бир ўқитиладиган фанлардан дастурлар тайёрлаш вазифаси қўйилди. "Махсус фанларни ўқитиш усулиси" фани бўйича тузилган ушбу дастур қўйилган барча талаблар асосида тузилган бўлиб, 5140900-"Касб таълими" бакалавриат таълим йўналиши учун мўлжалланган.

Ўқитишнинг мақсади ва вазифалари ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Мустақил Республикамизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши бу соҳа учун малакали бухгалтер, аудитор ва педагог мутахассисларни тайёрлаш заруратини туғдиради.

Ўқув режасига мувофиқ 5140900-"Касб таълими" (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бакалавриат таълим йўналишида "Махсус фанларни ўқитиш усулиси" фани ўрганилади. Корхона ва хўжаликлардаги маблағлар ҳамда уларнинг ташкил топиши манбаларининг ҳаракатини, хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш, уларни ҳужжатлаштириш, умумлаштириш, корхона ва хўжаликларнинг мулкӣ, молиявий фаолияти тўғрисидаги тўлиқ ва ишонarli маълумотларни шакллантириш ҳамда ҳисоботларни тузиш, мамлакатимиз корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ёрдамида шаклланадиган даврий, молиявий ҳисобот маълумотларини реаллигини таъминлаш, ташкилотлар билан ҳисоблашишларни тўғри ташкил қилишни давлатимиз қонунлари, ҳукумат қарорлари, меъерий ҳужжатлар асосида ўргатади.

"Махсус фанларни ўқитиш усулиси" фани корхоналарнинг мулкӣ ва молиявий фаолиятини ҳисобга олишни ўқитишда ўзининг усул, услубиятига эга бўлиши билан биргаликда ўз фаолиятини юритишда қуйидаги фанлар билан

беvosита боғлиқлиги сабабли улар ҳам талабаларга (режалаштирилишига қараб) чуқур ўргатилади: иқтисодиёт назарияси, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, статистика, аудит, иқтисодий таҳлил, молия, солиқлар ва солиққа тортиш, пул, кредит ва банклар, менежмент, маркетинг, халқаро иқтисодий муносабатлар, суғурта иши, кичик бизнес ва тадбиркорлик, ҳуқуқшунослик ва педагогик соҳасига оид фанларни замонавий усулларда ва компьютерлардан фойдаланган ҳолда ўрганилади.

Фан бўйича бакалаврларнинг билимига, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Мазкур таълим йўналишида ўқийдиган бакалаврлар бухгалтерия ҳисоби ва аудит, педагогика соҳаларини чуқур ўрганиши, шунингдек улар етук мутахассислар бўлиши учун қуйидаги талаблар қўйилади:

- ҳуқуқий давлат, демократик жамият ёшлари, айниқса, бухгалтер, аудитор ва педагог мутахассислигини эгалловчи талабалар ҳуқуқшунослик, давлат ва жамият қурилишига оид фанларни чуқур эгаллаган бўлиши;
- бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини ҳамда қонунларини мукамал ўрганиши;
- миллий ғурур ва юқори маданиятга эга бўлиши, ўзбек халқининг тарихини билиши;
- мутахассислик фани билан боғлиқ бўлган фанларни мукамал ўрганиши;
- фан ва техника ютуқларига қизиқувчан, ўзига нисбатан талабчан, ўрганаётган фанига, Ватанига фидойи бўлиши керак.

Фанни ўргатишда мутахассислик кафедра ўқитувчилари, талабаларни тасдиқланган дастур асосида, фанга нисбатан қизиқиш уйғотиш ҳар бир талабанинг билим савияси ва индивидуал (якка тартибда) характериға қараб вазиға бериш ҳамда талаб қилиш санъатиға эға бўлиши лозим.

Ўқитиш жараёнида кўпроқ талабаларнинг мустақил билим олишиға шароит яратиб бериш керак.

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

Талабаларға фанни замонавий усулларда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишиға шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- талабаларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлашға эришиш;
- талаба ўз билимини ўзи баҳолайдиган шароитни яратиб бериш;

- талабаларнинг билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш;
- иқтидорли талабалар билан уларни қизиқтирувчи мавзулар бўйича қўшимча дарсларни ташкил қилиш ва ҳ.к.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Махсус фанларни ўқитиш усуликаси" фани бакалаврларга ўқув режаси бўйича белгиланган семестрларда ўқитилгани сабабли маъруза ва амалий машғулотларга бўлинади ва уларни семестрлараро ўқув бўлимлари томонидан режалаштирилади.

"Махсус фанларни ўқитиш усуликаси" фанида маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилиш усули қўлланилади. Аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун талаба касб-ҳунар коллежларида амалиётни ўтайди. Ўқув жараёнида ва амалиётда олган билим ва кўникмалари рейтинг усулида ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланади.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза кейин амалий машғулот ўтказилади. Ўқитилган мавзулар бўйича талабаларнинг мустақил ўрганиши учун уй вазифалари берилади, уй вазифаларини бажарилганлиги даражаси рейтинг ёрдамида баҳоланади. Талабаларнинг олган билимларини аниқлашнинг оғзаки ва ёзма усуллари қўлланилади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

"Махсус фанларни ўқитиш усуликаси" фанини ўрганиш бўйича "Касб таълими" таълим йўналишида ўқув режасида жами 225 соат белгиланган. Шундан: маъруза 75 соат, семинар машғулоти 75 соат, мустақил таълим 75 соат. Дастурда белгиланган мавзулар адабиётлардан фойдаланган ҳолда бакалаврлар томонидан ўзлаштирилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

I қисм. Умумий усулика

"Махсус фанларни (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги фанлар) ўқитиш усуликаси" фанининг предмети ва вазифалари

"Махсус фанларни ўқитиш усуликаси" курсининг предмети -педагогика фани қонуниятлари, тамойиллари асосида махсус фанларни ўқитиш усулиқасини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнида қўллаш сифатида.

Касб таълими тушунчасининг моҳияти.

Дидактика тушунчаси. Дидактика ва усулика ўртасидаги алоқа. Дидактик тамойиллар. Дидактик ҳаракатлар.

"Махсус фанларнинг ўқитиш усуликаси" курсининг педагогика, психология, педагогик маҳорат, янги педагогик технологиялар, бухгалтерия ҳисоби назарияси, молиявий ва бошқарув ҳисоб ҳамда аудит фанлари билан ўзаро алоқаси.

Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ва амалиёт ўқитувчиларининг касб фаолияти соҳасининг хусусиятлари

Республикамиздаги касб-ҳунар коллежлари тизимининг тавсифи. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида касб-ҳунар коллежлари олдида қўйилган вазифалар.

Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг вазифа соҳалари.

Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ва усталарининг таълим олиш тизими.

Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг гуруҳларнинг бошқаришдаги раҳбарлик қобилиятлари.

Махсус фанларни (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги фанлар) ўқитишда мулоқотнинг танланган асосларини қўллаш усуликаси

Мулоқот қобилиятлари тўғрисида тушунча. "Узатувчи-қабул қилувчи" мулоқот модели. Мулоқот аксиомалари. Мулоқот тўсиқлари. Сўзсиз мулоқот. Бир хабарнинг жиҳати.

Махсус фанларни (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги фанлар) ўқитишда ўрганишнинг танланган асосларини қўллаш усуликаси

Ўрганиш тушунчасининг мазмуни. Ўрганиш босқичлари. *Ўрганиш шакллари.* Ўзлаштириш жараёнига таъсир этувчи омиллар.

Ўрганиш жараёнига оид психологик назариялар.

Таълим бериш жараёнида визуаллаштиришнинг танланган асосларини қўллаш ўқув-дидактик материалларини тайёрлаш усуликаси

Визуаллаштиришнинг ўзлаштириш жараёнидаги аҳамияти.

Таълим жараёнида танланган визуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш. Танланган визуаллаштиришда ёрдамчи усулларни қўллаш.

Ўқув-дидактик материалларнинг турлари. Ўқув-дидактик материалларини тайёрлаш. Доска учун тасвирлар ва проекторлар учун слайдлар намуналарини тайёрлаш усуликаси. Флинчартда ишлаш.

Таълим жараёнида мотивация усулларини қўллаш усуликаси

Мотивация ва ўрганиш жараёнларининг бир бирига ўзаро таъсири. Мотивация хосил қилиш ва кучайтириш жиҳатлари.

Мотивация усулларини қўллашдаги ўзига хос тамойиллар.

Мотивацияни ёрдамчи ўқув усулларидан фойдаланган ҳолда кучайтириш. Мотивациянинг меъёридан ошиб кетишида салбий жиҳатларнинг вужудга келиши ва уларни олдини олиш.

Махсус фанларни (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги фанлар) ўқитишда гуруҳ ишини ва суҳбатларни бошқариш усуликаси

Гуруҳларда фаол ўрганишни кучайтириш усуллари. Гуруҳ доирасидаги жараёнлар. Синдикат гуруҳларда баҳс-мунозараларни бошқариб бориш.

Интерафаол ўқитиш усуллари. Масофадан ўқитиш ва интернет тизими воситасида ўқитиш усуликаси.

Назарий дарслар ва йўриқномаларни режалаштириш усуликаси. Мавжуд вазият ва дастлабки шарт-шароитларни баҳолаш усуликаси. Ўқув мақсадлари ва мазмунини ишлаб чиқиш усуликаси

Назарий дарс ва йўриқнома тушунчалари. Назарий дарс ва йўриқномани режалаштириш тамойиллари. Ўқиш ва ўқитиш цикли.

Мавжуд вазият ва дастлабки шарт-шароитларни баҳолаш усуллари. *Адресатлар таҳлили.* Шарт-шароитлар таҳлили. Махсус соҳа таҳлили.

Ўқув мақсади тушунчаси. Ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш усуликаси. Ўқув мақсадлари аксиомалари. Ўқув мақсадларини танлаш мезонлари. Ўқув мақсадларини ўқув мезонлари асосида белгилаш.

Назарий дарс ёки йўриқнома режаларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш усуликаси

Назарий дарс ёки йўриқнома мақсади. *Назарий дарс ёки йўриқнома режаларининг тузилиши.*

Режа тўғрилигини текширишга оид услубий тавсиялар.

Назарий дарсни ўтказиш моҳияти. Йўриқнома ўтказишнинг мазмуни. Назарий билимларни ўтказиш усуллари. Суҳбатларни ўтказишга доир услубий кўрсатмалар.

Назарий билимларни таҳлил қилиш ва баҳолаш усуликаси

Хулқ-атвор ва билимларни баҳолашнинг аҳамияти. Топшириқ ва тестларнинг характерли белгилари. Ёзма топшириқ шакллари. Оғзаки топшириқ шакллари. Баҳолаш усуликаси. Саволларнинг ўзига хос жиҳатлари.

Амалиёт дарсларини ўқитишни режалаштириш усуликаси. Амалиёт дарсларида тўрт поғонали усулни қўллаш усуликаси

Амалиёт учун батафсил режалар ишлаб чиқиш зарурияти. Мақсадлар, мазмун ва натижаларни режалаштириш. Шарт-шароитлар ва ташкил этишни режалаштириш.

Тўрт поғонали усул асослари. Тўрт поғонали усул доирасидаги ҳаракатлар. Тўрт поғонали усул доирасидаги йўриқномалар. Дидактик материал ва машқларни тайёрлаб қўйиш.

Амалиёт дарсларида йўналтирувчи матн усулини қўллаш усуликаси. Амалиёт дарсларида лойиҳалаштириш усулини қўллаш усуликаси.

Йўналтирувчи матн усулининг асослари. Йўналтирувчи матн усули доирасидаги ҳаракатлар. Йўналтирувчи матн усули доирасидаги йўриқномалар, дидактик материал ва машқларни тайёрлаб қўйиш.

Лойиҳа усули асослари. Лойиҳа усули доирасидаги ҳатти-ҳаракатлар. Лойиҳа усули доирасидаги ташкилий ишлар.

Бухгалтер ва аудиторнинг амалий иш қўникмалари ва ҳулқини баҳолаш усуликаси

Амалий қўникмаларни баҳолаш усуллари. Объектив ва субъектив баҳолаш. *Ҳулқни баҳолаш шакллари.* Ҳулқ ва билимларни баҳолашдаги хатолар.

II қисм. Хусусий усулика

"Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фанини ўқитиш усуликаси

"Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фанининг умумий тушунчаларини бакалаврларга етказиб беришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Бухгалтерия ҳисобининг усуллари (бухгалтерия баланси ва унинг тузилиши, счётлар тизими ва иккиёқлама ёзув, баҳолаш ва калькуляция, асосий хўжалик жараёнларининг ҳисоби, ҳужжатлаштириш ва инвентаризация) ва элементларини ўқитиш усуликаси.

Бухгалтерия ҳисоботининг шаклларини ўқитиш усуликаси.

Бухгалтерлик касбининг ўзига хос жиҳатлари.

"Бухгалтерия ҳисоби" фанини ўқитиш усуликаси

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш қўникмалари ва малакаларини шакллантириш усуликаси.

Молиявий ҳисобни (пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби, материаллар ҳисоби, асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби, меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби, молиявий қўйилмалар ҳисоби, маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш ҳисоби, капитал, фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби, молиявий ҳисобот) ўқитиш усуликаси.

Бошқарув ҳисобини (ҳаражатлар ҳисоби ва маҳсулот /иш, хизматлар/ таннархини ҳисоблаш, бюджетлаштириш ва ҳаражатларни назорат қилиш, трансферт баҳони шакллантириш, корхонанинг сегментар ҳисоботи) ўқитиш усуликаси.

"Аудит" фанини ўқитиш усуликаси

Аудиторлик касбидаги билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талабларни бакалаврларга етказиб бериш усуликаси.

Аудит асосларини (Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий асослари, аудиторлик фаолияти стандартлари, аудиторлик текшируви натижаларини ҳужжатлаштириш ва бухгалтерия ҳисоботини тасдиқлаш, аудиторлик хулосаси) ўқитиш усуликаси.

Амалий аудитни (аудитнинг меъёрий базаси ва аудит ўтказишнинг манбалари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг аҳволини текшириш) ўқитиш усуликаси.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

I қисм. Умумий усулика

"Махсус фанларни ўқитиш усуликаси" (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги) фанининг предмети ва вазифалари

"Махсус фанларни ўқитиш усуликаси" курсининг предмети - педагогика фани тамойиллари асосида махсус фанларни ўқитиш усуликасини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнида қўллаш сифатида.

Касб таълими тушунчасининг моҳияти бўйича дискуссиялар.

Дидактика тушунчасининг маъноси бўйича дискуссиялар. Ўқитувчи фаолиятида дидактиканинг аҳамияти юзасидан баҳс. Дидактика ва усулика ўртасидаги алоқа ва фарқлар. Дидактик тамойиллар. Дидактик ҳаракатлар.*

"Махсус фанларнинг ўқитиш усуликаси" курсининг педагогика, психология, педагогик маҳорат, янги педагогик технологиялар, бухгалтерия ҳисоби, назария ва аудит фанлари билан ўзаро алоқаси.

Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ва амалиёт ўқитувчиларининг касбий фаолият соҳаларининг хусусиятлари

Республикамизда касб-ҳунар коллежлари тизимининг тавсифи. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида касб-ҳунар коллежлари олдига қўйилган вазифалар.

Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг вазифа доираларини таърифлаш.

Республикамизда касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ва усталарининг таълим олиш тизими*. Бошқа таълим тизимлари билан таққослаш.

Касб-хунар коллежлари ўқитувчиларининг гуруҳларнинг бошқаришдаги раҳбарлик қобилиятлари услубини аниқлаш.

Махсус фанларни (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги фанлар) ўқитишда мулоқотнинг танланган асосларини қўллаш усули

Мулоқот қобилиятлари тўғрисида ўз мулоқот тажрибасини ифодалаш. "Узатувчи-қабул қилувчи" моделини тушунтириш. Мулоқот аксиомалари ҳақида дискуссия*. Мулоқот тўсиқлари тўғрисида дискуссия. Сўзсиз мулоқотнинг аҳамиятини таҳлил қилиш. Бир хабар алмашинувидаги тўрт жиҳат модели тақдими.

Махсус фанларни (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги фанлар) ўқитишда ўрганиш тамойилларидан фойдаланиш усули

Ўрганиш тушунчасининг мазмуни бўйича баҳс. Ўрганиш босқичлари бўйича баҳс. Ўрганиш турлари бўйича дискуссия. Ўзлаштириш жараёнига таъсир этувчи омиллар бўйича модерация.*

Таълим жараёнига оид психологик назарияларга оид материалларни тайёрлаш.

Таълим бериш жараёнида визуаллаштиришнинг танланган асосларини қўллаш ва ўқув-дидактик материалларини тайёрлаш усули

Визуаллаштиришнинг ўзлаштириш жараёнидаги аҳамияти бўйича баҳс.

Таълим жараёнида визуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш бўйича баҳс.* Визуаллаштиришнинг танланган ёрдамчи усулларини қўллаш бўйича тақдимот.

Ўқув-дидактик материалларнинг турлари. Ўқув-дидактик материалларини тайёрлаш. Доска учун тасвирлар ва проекторлар учун слайдлар намуналарини тайёрлаш усули*.

Таълим жараёнида мотивация усулларини қўллаш усули

Мотивация ва ўрганиш жараёнларининг бир бирига ўзаро таъсири бўйича дискуссия. Мотивация ҳосил қилиш ва кучайтириш жиҳатлари бўйича дискуссия.

Мотивация усуллари қўллашдаги ўзига хос тамойиллар.

Мотивацияни ёрдамчи ўқув усулларидан фойдаланган ҳолда кучайтириш*. Мотивациянинг меъёридан ошиб кетишида салбий жиҳатларнинг вужудга келиши ва уларни олдини олиш.

Махсус фанларни (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги фанлар) ўқитишда гуруҳ ишини ва суҳбатларни бошқариш усули

Гуруҳларда фаол ўқишни рағбатлантириш усуллари бўйича дискуссия. Гуруҳ ичидаги жараёнларни таҳлил қилиш.* Синдикат гуруҳларда баҳс-мунозараларни бошқариб бориш бўйича машқ.

Интерактив ўқитиш усуллари. Интернет тизими ва масофадан ўқитиш.

Назарий дарслар ва йўриқномаларни режалаштириш усуликаси. Мавжуд вазият ва дастлабки шарт-шароитларни баҳолаш ва ўқув мақсадлари ва мазмунларини ишлаб чиқиш усуликаси

Назарий дарс ва йўриқнома тушунчалари бўйича дискуссия. Назарий дарс ва йўриқномани бир-бирига мослаштириш бўйича баҳс тамойиллари*. Ўқиш ва ўқитиш цикли бўйича баҳс.

Мавжуд вазият ва дастлабки шарт-шароитларни баҳолаш усуллари. Адресатлар таҳлили*. Шарт-шароитлар таҳлили. Махсус соҳа таҳлили.

Ўқув мақсади тушунчаси. Ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш усуликаси*. Ўқув мақсадларини танлаш мезонлари. Ўқув мақсадларини ўқув мезонлари асосида белгилаш усуликаси.

Назарий дарс ёки йўриқнома режаларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш усуликаси

Назарий дарс ёки йўриқнома режаларининг тузилиши.

Режа тўғрилигини текширишга оид услубий тавсиялар.*

Назарий дарсни ўтказишнинг моҳияти. Йўриқномаларни ўтказишнинг мазмуни. Назарий билимларни ўтказиш усуллари*. Сухбатларни ўтказишга доир услубий кўрсатмалар.

Назарий билимларни баҳолаш усуликаси

Хулқ-атвор ва билимларни баҳолашнинг аҳамияти. Топшириқ ва тестларнинг характерли белгилари. Ёзма топшириқ шакллари. Оғзаки топшириқ шакллари*. Баҳолаш усуликаси. Саволларнинг тузилишидаги ўзига хос жиҳатлари.

Амалиёт дарсларини ўқитишни режалаштириш усуликаси. Амалиёт дарсларида тўрт поғонали усулни қўллаш усуликаси

Амалиёт учун батафсил режалар ишлаб чиқишнинг зарурияти. Мақсадлар, мазмунлар ва натижаларни режалаштириш*. Шарт-шароитлар ва ташкил этишни режалаштириш.

Тўрт поғонали усул асослари. Тўрт поғонали усул доирасидаги ҳаракатлар. Тўрт поғонали усул доирасидаги инструктажлар*. Дидактик материал ва машқларни тайёрлаб қўйиш.

Амалиёт дарсларида йўналтирувчи матн усулини қўллаш усуликаси. Амалиёт дарсларида лойиҳалаштириш усулини қўллаш усуликаси

Йўналтирувчи матн усули асослари. Йўналтирувчи матн усули доирасидаги ҳаракатлар. Йўналтирувчи матн усули доирасидаги инструктажлар дидактик материал ва машқларни тайёрлаб қўйиш*.

Лойиҳа усули асослари. Лойиҳа усули доирасидаги ҳатти-ҳаракатлар. Лойиҳа усули доирасидаги ташкилий ишлар*.

Бухгалтер ва аудиторнинг амалий иш кўникмалари ва ҳулқини баҳолаш усуликаси

Амалий кўникмаларни баҳолаш усуллари. Объектив ва субъектив баҳолаш*. Ҳулқни баҳолаш шакллари. Баҳолашдаги ҳатолар.

II қисм. Хусусий усулика

"Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фанини ўқитиш усуликаси

"Бухгалтерия ҳисоби назарияси" фанининг умумий тушунчаларини бакалаврларга етказиб беришнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича баҳс.

Бухгалтерия ҳисобининг усуллари (бухгалтерия баланси ва унинг тузилиши, счётлар тизими ва иккиёқлама ёзув, баҳолаш ва калькуляция, асосий хўжалик жараёнларининг ҳисоби, ҳужжатлаштириш ва инвентаризация) ва элементларини ўқитиш усуликаси бўйича дискуссия.

Бухгалтерия ҳисоботининг шакллари ўқитиш усуликаси бўйича тақдимот.

Бухгалтерлик касбининг ўзига хос жиҳатлари.

"Бухгалтерия ҳисоби" фанини ўқитиш усуликаси

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш кўникмалари ва малакаларини шакллантириш усуликаси бўйича баҳс.

Молиявий ҳисобни (пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби, материаллар ҳисоби, асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби, меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби, молиявий қўйилмалар ҳисоби, маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш ҳисоби, капитал, фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби, молиявий ҳисобот) ўқитиш усуликаси бўйича дискуссия.

Бошқарув ҳисобини (ҳаражатлар ҳисоби ва маҳсулот /иш, хизматлар/ таннархини ҳисоблаш, бюджетлаштириш ва ҳаражатларни назорат қилиш, трансферт баҳони шакллантириш, корхонанинг сегментар ҳисоботи) ўқитиш усуликаси бўйича тақдимот.

"Аудит" фанини ўқитиш усуликаси

Аудиторлик касбидаги билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талабларни бакалаврларга етказиб бериш усуликаси.

Аудит асосларини (Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий асослари, аудиторлик фаолияти стандартлари, аудиторлик текширишуви натижаларини ҳужжатлаштириш ва бухгалтерия ҳисоботини тасдиқлаш, аудиторлик ҳулосаси) ўқитиш усуликаси бўйича баҳс.

Амалий аудитни (аудитнинг меъёрий базаси ва аудит ўтказишнинг манбалари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг аҳволини текшириш) ўқитиш усуликаси бўйича тақдимот.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙҲАТИ

Кўргазма-намойиш материаллар рўйхати:

- "Махсус фанларни ўқитиш усуликаси" нинг амалиёт билан боғлиқлигини намоён қилувчи схематик плакат.
- "Махсус фанларни ўқитиш усуликаси"нинг илмий тадқиқот усуллари кўрсатилган плакат.

Ўқув фильмлари рўйхати (интернетдан олинади).

Дидактик материаллар рўйхати, маъруза матнлари бўйича тарқатма материаллар, амалий машғулотлар мавзулари бўйича тарқатма материаллар, мультимедиа иловалари.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Назорат турлари:

жорий баҳолаш учун:

- семинарнинг машғулот саволларига ёзма жавоблар тайёрлаш;
- оғзаки баҳс-мунозараларда қатнашиш;
- тест вариантларига жавоблар бериш;
- рефератлар ёзиш.

оралиқ баҳолаш учун:

- маъруза дарсларига қатнашиш;
- маърузалар мазмунини ёзиб бориш;

- маъруза дарсларида фаол саволлар ва жавоблар билан қатнашиш.

яқуний баҳолаш учун:

кафедрада тасдиқланган фан варианты саволларига 1200 сўз миқдоридаги "ёзма иш" ни бажариш ёки тест саволлари, вариант саволларига оғзаки жавоб бериш.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
12. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.:Шарк, 1997.
13. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000 й.
14. Мавлонова Р, Тўраева Ж. Педагогика. Т.: Ўқитувчи, 2001.
15. Профессиональная педагогика: Учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. - М.: Профессиональное образование, 1997.
16. Фарберман Б. Л., Мусина Р. Г., Джумабаева Ф. А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари.-Т.: 2002.

Қўшимча адабиётлар

1. Ахлидинов Р. Ш. Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиски, решения.-Т.: 1999.
2. Беспалько Б. Слагаемые в педагогической технологии.-М.: Педагогика, 1999.
3. Бобожонов О. У. Молиявий ҳисоб. –Т.; Мехнат, 1997.
4. Бобожонов О. У., Хасанов Б. А. Финансовый учёт. –Т.: ТГЭУ, 2001.
5. Всемирная декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры. –Париж, 1998.
6. Йўлдошев Ж.Ф. Педагогика фани ва Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш муаммолари. – Халқ таълими, 1995. № 3-4, 1-12 б.
7. Маматов З. Т., Норбеков Д. Э., Шакарров Қ. А. Аудит. –Т.: Кибернетика, 2002.
8. Педагогика. (А.Мунавваровнинг умумий таҳрири) - Т.: Ўқитувчи, 1996.
9. Пардаев А. Х. Бошқарув ҳисоби.-Т.: Мехнат, 2002.
10. Подласый И. П. Педагогика. Новый курс.-М.: 1999.
11. Пидкасистый П. И, Фридман Л М, Гарцков М. Г. Психолого-дидактический справочник преподавателя высшей школы.-М.: 1999.
12. Психология и педагогика / Под ред. А.А. Радугина-М.: Центр,1999.
13. Психология и педагогика: учебное пособие. / Под ред. В.М.Николаенко-МИФРА/-М.: Новосибирск, 1999.
14. Равен Джон-младший. Педагогическое тестирование: проблемы, заблуждения, перспективы. Пер. с англ. - М.: 1999.
15. Ризакулов А. А., Нарзиев Р. Аудит.-Т.: Фан, 1999.
16. Санаев Н. С., Нарзиев Р. Аудит.-Т.: Ўқитувчи. 2001.
17. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии - М.: 1998.
18. Сластенин В. А., Подмова Л. С, Педагогика: Инновационная деятельность. - М.: 1998.
19. Сотволдиев А. С., Иткин Ю. М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. (Янги сётлар режаси асосида). 1-2 том. -Т.: ПБ ва АА-2002.
20. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. - Т.: Фан, 2000.